ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

Адилова Гулнур Джурабаевна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Аннотация:
Мақолада суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришда суғурта компаниялари томонидан инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, суғурталанувчиларга замонавий ахборот технологияларни қўллаган ҳолда Е-полисни сотишни ташкил этиш усуллари ҳақида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: *суғурта бозори, суғурта маҳсулоти, Е-полис, суғурта брокери, суғурта агенти, асисстанс, аджастер, сюрвейер, иҳтиёрий суғурта, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, суғурта хизмати.*

Кириш.

Қалтисликларнинг инсонлар ҳаёти учун салбий таъсирини камайтириш бу “суғурта” орқали амалга оширилади, бунда содир бўлган салбий ҳодисалар оқибатларини бартараф этишга кетган харажатларни бир нечта хўжалик юритувчи молиявий субъектлар ўртасида тақсимлаш тушунилади[1].

Суғуртанинг молиявий бозор муносабатлари тизимидаги асосий тушунчалари моҳиятини англамасдан туриб суғурта секторининг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш масаласига нисбатан оқилона ёндашиб бўлмайди. Ҳар бир суғурта компанияси ўзи таклиф этаётган хизматлар турлари ичида жуда кўп маҳсулотлар шаҳобчаларига эга бўлади. Суғурта эҳтиёжларининг барча турларини қондириш учун уларнинг миқдори ҳам анчагина бўлиши талаб этилади. Уларнинг ҳар бири муайян бозорга ёки унинг йирик сегментига йўналтирилган асосий маркетинг бирлиги ҳисобланади. Ҳар бир жамланма ўз дизайнига эга бўлиб, савдо маркаси ва суғурталовчининг номи билан жавоб беради. Эҳтимолдаги мижоз истеъмолчининг вакилига суғурта шартномаси тузиш масаласида мурожаат этган чоғида, унга мавжуд комплекс суғурта маҳсулотлари доирасида танлов имкониятини берадилар.

Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиши тобора кўпроқ рақамли иқтисодиётнинг суғурта технологияларига таъсир кўрсатувчи технологияларни жорий этишга боғлиқ, аммо унинг иқтисодий моҳиятини ўзгартирмайди. Рақамли технологиялардан суғурта фаолиятида фойдаланиш натижасида:

- суғурта фаолиятининг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш;

[1] Chien-Chiang Lee, Chun-Wei Lin, Jhih-Hong Zeng. Financial liberalization, insurance market, and the likelihood of financial crises. Journal of International Money and Finance Volume 62, April 2016, Pages 25-51.

- ўзаро ва тижорат суғуртасининг бирлашиши;
- суғурта муносабатларининг ижтимоийлашуви юз беради;
- янги суғурта хизматлари ва маҳсулотлари юзага келади;
- суғурта соҳасида меҳнат бозори ўзгаради (автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва баъзи суғурта агентлари, қуйи ва ўрта менежерларни роботлари билан алмаштириш).

Умуман олган Ўзбекистон суғурта бозорини рақамлаштириш хозирда давр талабидир ва ушбу жараённи жадаллаштириш мамлакат суғурта бозорини глобал суғурта бозорид ўз ўрнини топишини кафолатлайди.

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта соҳасидаги етакчи немис мутахассислардан бири, профессор Дитер Фарни[2] билдирган фикрлари суғуртани талқин этишга ягона ёндашувнинг йўқлигини акс эттирган, у ўзининг “Ишлаб чиқариш ва харажатларнинг суғурта назариялари” асарида “суғурта” тушунчасининг бир қатор таърифлари борлигини кўрсатган. Д.Фарнининг эса суғурта ҳуқуқий нуқтаи назаридан, суғурта маҳсулоти - суғурта шартномаси бўлиб, суғурта полисини ва суғурта қоидаларини ўз ичига олади. Айни пайтда, назарий жиҳатдан суғурта маҳсулоти – бозорга истеъмолчининг эҳтиёжини қондириш учун таклиф этилиш мумкин бўлган товардир деб таърифлаган.

Бунда, агар суғурта хизматларини товар сифатида қарайдиган бўлсак, уни сотиш мумкин бўлиши учун, у истеъмолчининг эҳтиёжини қондириши лозим.

А. Зубец[3] фикрича, “суғурта маҳсулоти - суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчига тақдим этиладиган асосий ва ёрдамчи хизматларнинг тўпламидир”. Шундай қилиб, суғурта маҳсулоти - суғурта шартномаси доирасида суғурталанувчининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган маълум хизматлар тўпламидир. Бунда, суғурта ва қайта суғурта соҳасидаги хизматлардан ташқари, бундай хизматларга муайян суғурта полиси доирасида кўрсатиладиган юридик ва ташкилий хизматлардир.

Шу жиҳатдан, суғурта маҳсулотининг тушунчаси суғурта хизматларининг тушунчасидан кенгроқ бўлиб, чунки у хизматларнинг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади.


Тахлил ва натижалар.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон иқтисодиётида суғурта тизими стратегик аҳамият касб этмоқда, бунинг боиси суғурта тизимининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, суғурта бозорининг давлат бошқаруви идоралари (органлари) томонидан мамлакатнинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисмларидан бири сифатида кўриб чиқилаётганлигидадир. Мамлакатимизда суғурта бозори ривожланишида суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада такомилаштирилиб тармоқларни ривожлантириш янги иш ўринларини яратишга

[2] http://www.science-education.ru/ru/article/viewid=18489

[3] Зубец А. “Маркетинговые исследования страхового рынка”. М.: Центр экономики и маркетинга, 2002. 224 с.


хизмат қилади, суғурта фаолиятини ривожлантиришни усуларидан бири суғуртанинг мажбурий тартибда киритилиши, бир томондан соҳанинг асосий муоммоларидан бири бўлган аҳоли суғурта маданиятининг кўтарилишига хизмат қилса иккинчи томондан етказилган зарарнинг суғурта механизми орқали кафолатли қопланиши тизимини яратди, натижада жабрланувчиларга тўланадиган суғурта қопламаларининг ҳажми кескин ортди. Бу эса аҳолини ижтимоий ҳимоясининг янада мустахкамланишига хизмат қилади.



1-расм. Суғурта мукофотларнинг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси (млрд. сўмда)[4]

1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки 2017-2019 йиллар мобайнида мажбурий суғурта туридан ихтиёрий суғурта турлари мукофот суммаси 30% га ўсгани кузатилди, аммо 2020 йилда ихтиёрий суғурта ва жами суғурта мукофотлари ҳажми пасайиш кузатилди. Бу Covid-19 таъсирида вужудга келган ҳамда нафақат суғурта, шу билан иқтисодиётнинг бошқа секторларида ҳам кузатилган. 2021-2023 йилга келиб мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлар суммаси юқори даражада ўсганини кузатиш мумкин. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида 2024-2025 йиллар учун суғурта турлари ва суғурта мукофотлари бўйича прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Уларга кўра 2025 йилда мажбурий суғурта 619,7 миллиард сўмни, ихтиёрий суғурта 10429,9 миллиард сўмни ва жами суғурта мукофотлари 12789 миллиард сўмни ташкил этиши прогноз қилинган.

[4] Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. Суғурта қопламаларининг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси (млрд.сўмда)

2-расм маълумотларидан кўриш мумкинки 2017-2020 йилларга қадар мажбурий суғурта туридан ихтиёрий суғурта турига қараганда суғурта қопламалари тўланиши сезиларли даражада пастлиги кузатилди, 2021 йилдан эса мажбурий суғурта туридан суғурта қопламалари тўланиши секин аста кўтарилгани кузатилди. Аммо 2022-2023 йилларда ихтиёрий суғурта турлари бўйича тўланган суғурта қопламалари мажбурий суғурта туридан кўра 10 баробар кўплигини кузатиш мумкин. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида 2024-2025 йиллар учун суғурта турларидан тўланган суғурта қопламалари бўйича прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Уларга кўра 2025 йилда мажбурий суғурта 345,3 миллиард сўмни, ихтиёрий суғурта 3807,2 миллиард сўмни ва жами суғурта мукофотлари 6 429,0 миллиард сўмни ташкил этиши прогноз қилинган.

Хулоса ва таклифлар.

Суғурта хизматлари ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб келмоқда. Шундай экан суғурта хизматларини жадал ривожлантириш учун қуйидаги таклифлар берилмоқда:

Янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

Мажбурий суғуртанинг янги турларини, шу жумладан давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулк ва қишлоқ хўжалиги хавфларини суғурталашни жорий этиб бориш;

Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш;

Ҳудудий суғурта хизматлар бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари филиаллари ва уларнинг Тошкент шаҳрида жойлашган бош офислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини қайта кўриб чиқиш. Бунга

асосий сабаб, бош компания ўз филиалларининг суғурта хизматларини кўрсатиш, айниқса суғурта қопламаларини тўлаш бўйича ҳуқуқларини анча чеклаб қўйган. Бу борада филиалларга мустақиллик бериш, яъни ўз ҳудудида содир бўлган суғурта ҳодисалари натижасида этказилган зарарларни қоплаш масаласини ўзлари ҳал қилишларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сон Қонуни.
2. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси Тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
4. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 420 б.
5. Юлдашев О., Закирходжаева Ш. Ҳаёт суғуртаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. –384 б.
6. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Е., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.Т.: Иқтисод-молия, 2014. 247 б.
7. Туровская М.С., Кожухина К.А., Шкварок В.М. Страхование: Учебное пособие. – СПб.: Университет при МПА ЕврАзЭС, 2021. – 201 с.
8. Страхование : учебник / [Е. Г. Князева, О. А. Бойтуш, Т. Д. Одинокова, Е. А. Разумовская, Л. И. Юзвович, Ю. Т. Ахвледиани] ; под общ. ред. Е. Г. Князевой ; М-во науки и высшего обр. Рос. Федерации, Урал. гос. экон. ун-т. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 241 с.
9. Van Winssen, K. P. M., van Kleef, R. C., & van de Ven, W. P. M. M. (2016). The demand for health insurance and behavioural economics. The European Journal of Health Economics, 17(6), 653-657. doi:10.1007/s10198- 016-0776-3
10. Müller H. Der Versicherungsverein auf Gegenseitigkeit: Chancen und Risiken aus der Sicht eines Versicherungsaufsehers / H. Müller. Karlsruhe: Verl. Versicherungswirtschaft, 2000.
11. Cockrell H.A.L., Green Edwin, The British Insurance Business. - London: Heinemann Educational Books, 2016.
12. https://www.thebalancesmb.com/insurance-company-ratings, A.M.Best, Moody S, Standart&Poors, Insurance Company Ratings.
13. https://www.mf.uz.
14. http://www.insur-info.ru.